

“ОҚИЛОНА МУДДАТ” ТАМОЙЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Усманалиев Нажмиддин Қўшбоқ ўғли

ИИБ Академияси тергов фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

najmiddinusmanaliyev@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15128498>

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят процессида “оқилон муddат” тушунчасини миллий қонунчилигимизга жорий этиш зарурати, халқаро тажриба, шунингдек, ушбу концепцияни амалий жорий қилиш механизмлари таҳлил қилинади.. Шунингдек процессуал муddатларнинг такомиллаштириш ҳамда оқилон муddатларни киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: оқилон муddат, муddатлар, дастлабки тергов, суриштирув, қафолат, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, процессуал муddат, суриштирувчи, терговчи, прокурор, муружаат, ариза

Аннотация: В данной статье анализируется необходимость внедрения в национальное законодательство понятия "разумный срок" в уголовном процессе, международный опыт, а также механизмы практической реализации данной концепции. Также разработаны предложения по совершенствованию процессуальных сроков и введению разумных сроков.

Ключевые слова: разумный срок, сроки, предварительное следствие, дознание, гарантия, доследственная проверка, дознание, предварительное следствие, процессуальный срок, дознаватель, следователь, прокурор, обращение, заявление

Жиноят-ҳуқуқий низоларни ўз вақтида ҳал этиш ва жиноят процесси иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини тиклаш жиноят процессининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида (ЖПК) белгиланган процессуал муddатларга риоя этилишига қарамасдан, жиноят ишларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш масаласи ҳамон долзарб муаммо сифатида қолмоқда.

Жиноят ишларининг асоссиз чўзилиши натижасида нафақат жабрланувчиларнинг, балки айбланувчиларнинг ҳам конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари учраб турибди. Бу эса жиноят процессининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб,

жамиятда одил судловга бўлган ишончни сусайтириши мумкин. Шу боис, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва такомиллаштириш, жиноят ишларини оқилона муддатда кўриб чиқишни таъминлаш йўналишидаги ҳуқуқий ислохотлар муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро ҳуқуқий стандартлар, жумладан, 1966 йилда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”нинг 9-моддаси 3-қисмида “Жиноий айблов бўйича ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган ҳар бир шахс зудлик билан судья ҳузурига келтирилиши ва оқилона муддатда суд муҳокамаси ўтказилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга” эканлиги мустаҳкамланган. Ушбу норманинг миллий қонунчиликка мослаштирилиши жиноят процессида адолатни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.


Мамлакатимизни демократик янгилашнинг ҳозирги босқичдаги муҳим йўналишларидан бири — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришдан иборат.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва такомиллаштириш жамиятимизда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, мамлакатимизнинг демократик ривожланишини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада сўнгги йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, Президент фармон ва қарорлари суд-ҳуқуқ тизимининг барча жабҳаларида интенсив тараққиёт ва соҳани модернизация қилиш жараёнларини таъминлаб, ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур конституциявий норма халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган нормаларига риоя қилиш билан бирга уларни миллий қонунчиликда акс эттириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилиш заруратини талаб этади. Бинобарин,

1966 йилда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” нинг 9-моддаси 3-қисмида эътибор қаратишимиз лозим бўлган “оқилона муддат” тушунчаси амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал ҳуқуқ учун бирмунча бегонадир.

ЖПКни қўлловчи субъектларни ҳаракатга келтирувчи, уларни бирор бир ҳаракатларни содир этишдан тийиб турувчи ва қонун тақдим қилган



кафолатларни таъминловчи энг муҳим институт бу процессуал муддатлар ҳисобланади. Процессуал муддатларга риоя этилиши, муддатлар билан боғлиқ нормаларнинг энг оқилона кўринишда белгиланганлиги, асоссиз муддатларни узайтириш ёки муддатларга амал қилмаслик имконини берувчи нормаларнинг бартараф этилиши жиноят ишларини кўришда оқилона муддат таъминланганлигининг асосий шартидир. Демак, муддатлар ўзаро ва иш ҳолатига шу даражада мутаносиб бўлиши керак-ки, бунда барча тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминланган бўлиши лозим.

Оқилона муддатнинг мақсади ўтказилган вақт ва эришилган натижанинг оқилона нисбати билан жиноят процессини олиб борилишига эришишдан иборат[1]. Оқилона муддат тушунчасини қонунчиликда акс эттириш истиқболларини тадқиқ қилар эканмиз, унутмаслигимиз лозим-ки, жиноят процесси жиноий процесс иштирокчилари учун ҳақиқий процессуал кафолат бўлиб хизмат қиладиган соддалаштириш, тезлаштириш ва харажатларни камайтириш йўналишида ривожланиши лозим[2]. Ижобий натижага эришишни таъминламайдиган расмий кафолатларнинг мавжудлиги мантиқий эмас. Шу сабабли такомиллаштириш борасида илгари сурилаётган таклифларнинг ҳақиқий аҳамияти муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда бир қатор давлатларда Франция ЖПКда “Жиноят судловининг оқилона муддати”, Молдова Республикаси ЖПКнинг 20-моддасида “Жиноят судлов ишларининг оқилона муддатларда амалга оширилиши” принципи акс эттирилган бўлса, Федерацияси ЖПКнинг 6.1-моддаси “Жиноий судлов ишларида оқилона муддат”, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 192-моддасида «ишни судга қадар юритиш оқилона муддатда тамомланиши лозимлиги» ва Латвия Республикасининг Жиноят-процессуал қонунида бир қатор ўринларда оқилона муддат тамойили киритилганлиги мазкур тушунчани миллий қонунчиликда акс эттириш истиқболларини тадқиқ қилиш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш заруратини тақозо қилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “оқилона” сўзига “маъқул, ақлга мувофиқ, ақл билан, доноларча”[3] деб изоҳланганлигини таяниб таъкидлаш мумкинки, демак ишни кўриб чиқишда ёки манфаатларига зарар етган фуқаронинг ҳуқуқлари тикланишида ва жиноят содир этган шахсларнинг айбдорлик ва жазо тайинлаш масаласини кўриб чиқишда жараёнинг сабабсиз чўзилиб кетиши, ортиқча буйруқбозлик, сансалорлик

ҳолатларига йўл қўйилмаслиги ва энг оқилона муддатда якунинг натижанинг келиб чиқишни таъминлаш бу — ишни оқилона муддатда кўриб чиқишдир.

Жиноят процессида “оқилона муддат” тамойилини жорий этиш жиноят ишларини тезкор ва самарали кўриб чиқиш, жабрланувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноят-ҳуқуқий низоларни адолатли ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Миллий қонунчилигимизда ушбу тушунчани жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу жараён қонунчилик ислохотлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг такомиллашуви ва суд-тергов тизимидаги назорат механизмларининг мустаҳкамланишини талаб қилади.

Биринчи босқич:

- “оқилона муддат” тушунчасини жиноят-процессуал қонунчилигида умумий принцип сифатида мустаҳкамлаш;

- прокурор, тергов бошқармаси (бўлим, бўлинма, гуруҳ) раҳбарларига ишнинг мураккаблиги, жиноятнинг оғир-енгиллиги ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб, оқилона муддатларни белгилаш ваколатини бериш;

- процесс иштирокчилари ва уларнинг ҳимоячиларига судгача бўлган босқичда ишни оқилона муддатда кўриб чиқиш юзасидан илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш;

- ишни оқилона муддатда кўриб чиқишга рағбатлантирувчи нормаларни (масалан, муддатларга риоя қилган ҳолда ишни якунлаган терговчиларни рағбатлантириш) кенг жорий этиш.

Иккинчи босқич:

- судгача бўлган босқичда суд назоратини кучайтириш ва оқилона муддатларни белгилаш, узайтириш ёки қисқартириш масалаларини ҳал қилишда суднинг (тергов судьясининг) ролини ошириш;

- процесс иштирокчиларига судгача бўлган босқичда оқилона муддатларнинг бузилиши юзасидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини бериш;

- судлар томонидан ишнинг оқилона муддатларда кўриб чиқилганлиги ёки оқилона муддат талаблари бузилганлиги ҳолатларини аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш механизмини яратиш.

Учинчи босқич:

- нафақат судгача бўлган босқичда, балки судда ишларни кўриб чиқишда ҳам оқилона муддатларга риоя этилишини таъминловчи қонун нормаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- иш оқилона муддатда кўрилмаганлиги натижасида процесс иштирокчиларига етказилган зарарни қоплаш (компенсация тўлаш) тартибини белгилаш;

- судларда ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ушбу босқичларнинг изчил ва комплекс амалга оширилиши жиноят процессининг барча босқичларида “оқилона муддат” принципига риоя этилишини таъминлайди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади ҳамда судловнинг адолатлилиги ва самарадорлигини оширишга кўмаклашади.


Юқоридаги қарашларга муносабат билдирган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, жабрланувчилар учун адолатга тезроқ эришиш имкониятини яратиш, айбланувчи ва гумон қилинувчиларнинг асоссиз узоқ вақт жиноий таъқиб остида қолиши олди олиш, процесс иштирокчиларининг адолатли судловга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш, ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, асоссиз чўзилишлар ва сансалорликларга барҳам бериш ва замонавий ҳуқуқий институтларни жорий этиш мақсадида “оқилона муддат” тамойилини миллий қонунчиликка татбиқ қилиш ҳозирги давр талаби ва зарурат эканлигини эътироф этамиз.

Оқилона муддатларни ҳисоблаш гумонланувчи ва айбланувчилар учун гумонланувчи сифатида эътироф этиш ёки айблов эълон қилинган кундан бошлаб, жабрланувчилар ёки жиноятдан манфаатларига зарар етган процесснинг бошқа иштирокчилари учун жиноят ҳақидаги ариза, мурожаат ёки хабар рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисобланиб, жиноят иши белгиланган тартибда тугатилгунга қадар ёки суднинг якуний қарори(хукми) қабул қилингунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирувчи, терговчи, тергов органи бошлиғи, прокурор, суд босқичида ишни кўриб чиқаётган судья ишни оқилона муддатларда кўриб чиқиш учун масъулдир.

Ишни судга қадар юритиш босқичида иш кўриб чиқиляётган тергов органи бошлиғи ва прокурор ўз ташаббуси билан ҳамда процесс иштирокчиларининг илтимосномаларига кўра оқилона муддатларни белгилаши мумкин.

Хусусан, жиноят-процессуал қонунчилигида “оқилона муддат” принципини мустаҳкамлаш, ишни судга қадар юритиш ва суд босқичларида мазкур тамойилга амал қилишни таъминлаш, шунингдек,




муддатларни бузиш ҳолатлари учун масъулиятни кучайтириш жиноят процесси самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, процесс иштирокчиларига оқилона муддат бузилган ҳолатларда шикоят қилиш ва компенсация олиш механизмларини жорий этиш зарур.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноят ишларини оқилона муддатда кўриб чиқишни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий институтлар демократик давлатларда судлов тизимининг самарадорлигини оширишга ва фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади. Шундай экан, жиноят процессида “оқилона муддат” концепциясини жорий этиш миллий суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Yangi tahrirdagi konstitutsiya inson huquq va manfaatlari kafolati
<http://nhrc.uz/uz/news/>
<https://constitution.uz/uz/clause/index 27-modda>
2. Богословская Е.В. Оптимизация досудебного производства в целях обеспечения разумного срока уголовного преследования // Следственная деятельность: прошлое, настоящее, будущее: материалы Международ. науч.-практ. конф., посвященной 90-летию со дня рождения профессора В.А. Дубровного. – Саратов, 2015. – С. 397-398.
3. Поляков М.П., Смолин А.Ю. Принцип процессуальной экономии в уголовном судопроизводстве: монография. – Нижний Новгород, 2011. – С. 60.
https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati
4. Поляков М.П., Смолин А.Ю. Принцип процессуальной экономии в уголовном судопроизводстве: монография. – Нижний Новгород, 2011. – С. 60.
5. Шереметьев А.П. Понятие разумного срока в уголовном судопроизводстве // Актуальные проблемы судебной власти, прокурорского надзора, правоохранительной и правозащитной деятельности, уголовного судопроизводства: сб. науч. статей / под общ. ред. О.В. Гладышевой и В.А. Семенцова. Краснодар, 2013. – С. 277.
6. Калуцких А.М., Горяинова А.А. Каков разумный срок уголовного судопроизводства // Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации: 15 лет правоприменению: сб. науч. статей. – Курск, 2016. – С.32; Архипов А.И. Принцип разумного срока уголовного судопроизводства и его реализация в стадии предварительного расследования: автореф. ... дис. канд. юрид. наук. – М., 2014. – С. 10-11.





7. Быков В.М. Указ. соч. С. - 23-29; Насонова И.А. К вопросу о разумности расширения принципов уголовного судопроизводства // Российская юстиция. – 2013. – № 1. – С. 39-42 и др.
8. Исмаилов Ч.М. Разумный срок судебного разбирательства: учебное пособие // Хелп. Совет Европы – 2017 – С. 6;– 2013. – № 12. – С. 35-36.
9. Исмаилов Ч.М. Указ. соч. – С. 35.
10. Черашева А.Н. Разумные сроки уголовного судопроизводства как новая гарантия защиты прав и законных интересов человека и гражданина // Следственная деятельность: прошлое, настоящее, будущее: материалы Международ. науч.-практ. конф., посвященной 90-летию со дня рождения профессора В.А. Дубровного. – Саратов, 2015. – С.457-458.
11. Азаров В.А., Рожков Д.Г. Обеспечение разумного срока уголовного производства в суде первой инстанции: монография. – Омск, 2013. – С. 6.
12. Доймеланд против ФРГ: Решение Европейского суда по правам человека от 29 мая 1986 года // СПС «Консультант Плюс».

